

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ НОДИРХОН ЖЎРАХОНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ПОЛИСАХАРИДЛАР АСОСИДАГИ ИНТЕРПОЛИМЕР
КОМПЛЕКС МЕМБРАНАЛАРНИНГ СОРБЦИОН ХОССАЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган–2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Абдуллаев Нодирхон Жўрахонович

Маҳаллий полисахаридлар асосидаги интерполимер
комплекс мембраналарнинг сорбцион хоссалари..... 3

Абдуллаев Нодирхон Журахонович

Сорбционные свойства мембран интерполимерных
комплексов на основе полисахаридов местного происхождения21

Abdullaev Nodirkhon Jurahonovich

Sorption properties of membranes interpolymer
complexes based on local polysaccharides..... 39

Эълон қилинган илмий ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works.....43

**НАМАНГАН МУХАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019. К/Т.66.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

АБДУЛЛАЕВ НОДИРХОН ЖЎРАХОНОВИЧ

**МАҲАЛЛИЙ ПОЛИСАХАРИДЛАР АСОСИДАГИ ИНТЕРПОЛИМЕР
КОМПЛЕКС МЕМБРАНАЛАРНИНГ СОРБЦИОН ХОССАЛАРИ**

02.00.11 – Коллоид ва мембрана кимёси

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Наманган–2022 йил

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.PhD/К191 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация иши Наманган давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси www.ionx.uz ва «ZiyoNet» ахборот таълим тармоғига (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Қодирхонов Муродхон Рашидхонович кимё фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Боймирзаев Азамат Солиевич кимё фанлари доктори, доцент
	Бахронов Хаётбек Нурувич кимё фанлари номзоди, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўзбекистон миллий университети

Диссертация ҳимояси Наманган муҳандислик-технология институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «17» март соат 14⁰⁰ да ўтадиган мажлисида бўлади (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

Диссертация билан Наманган муҳандислик-технология институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (452 -рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 160115, Наманган ш., Косонсой кўчаси 7. Тел.: (+99869) 228-76-75, факс: (+99869) 228-76-71.

Диссертация автореферати 2022 йил «5» март куни тарқатилди.
(2022 йил «5» мартдаги №3 рақамли реестр баённомаси)

О.К.Эргашев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д. проф

Д.Ш.Шерқўзиёв
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.н., проф.

И.Д.Эшметов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., проф.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётда минерал хомашё ресурсларидан фойдаланишга инвестицияларни жалб этиш ҳамда табиий қазилма бойликлардан оқилона ва самарали фойдаланишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бугунги кунда техника ва тиббиётда қўлланилаётган синтетик ва сунъий материалларни табиий муқобилини аниқлашнинг илмий асосларини яратиш юқорида келтирилган масалани ҳал этишдаги устувор йўналишдир. Шу боис, синтетик сорбентлар ўрнига эксплуатацион хоссалари самарали бўлган табиий полисахаридлар асосидаги сорбентларни яратиш бўйича илмий тадқиқотлар бажариш муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда ишлаб чиқарилаётган табиий биополимерлар асосидаги сорбентлар хитозан ва целлюлоза каби полисахаридлар асосида олинади. Хитозан таркибидаги азот ва кислород сингари гетероатомлар ҳисобига сорбция самарадорлигини оширишда, сирт юзани ўзгартириш учун қўлланилиб келинмоқда. Шу билан бир қаторда, ушбу полисахариднинг сорбцион хусусиятларини янада ошириш мақсадида бошқа турдаги полисахаридлар билан интерполимер комплекслар олишга, ҳосил қилинган ИПК лар асосида гранула, тола ва плёнка-мембраналар кўринишидаги сорбентларни яратиш, ушбу сорбентларни амалиётда қўллаш бўйича илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Республикамизда маҳаллий полисахаридлар асосида сорбентлар олиш, уларни оқава ва ичимлик сувларини тозалашда қўллаш борасидаги илмий ва амалий натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Юқори технологияли қайта ишлаш тармоқларини, энг аввало, маҳаллий хомашё ресурсларини чуқур қайта ишлаш асосида юқори қўшимча қийматли тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришни жадал ривожлантиришга қаратилган сифат жиҳатидан янги босқичга ўтказиш орқали саноатни янада модернизация ва диверсификация қилиш»¹ масаласи белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, маҳаллий хомашёлар асосида сорбентлар олиш, яратиладиган айрим адсорбентларнинг тузилиши, фаол марказларининг табиати, кучи ва сонини ўрганиш муҳим масаладир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 21 августдаги ПҚ-4805-сон «Кимё ва биология йўналишларида узлуксиз таълим сифатини ва илм-фан натижадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2019 йил 3 апрельдаги ПҚ-4265-сон «Кимё саноатини янада ислоҳ қилиш ва унинг инвестициявий жозибadorлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлар, ҳамда 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-

¹Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-4947 «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги фармони

хуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг асосий устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимёвий технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ ҳолда бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Полисахаридлар асосидаги сорбентларни ўрганишда, асосан, полисахаридларнинг структуравий тузилиши ва қўллаш соҳалари тўғрисидаги маълумотларга кўп тўхталиб ўтилган. Лекин, ушбу полисахаридларнинг ароматик бирикмалар ва металллар билан сорбция хусусиятларини эритма рН ига боғлиқлиги, шунингдек, макромолекулаларнинг сорбция жараёнлари механизми, термодинамик хусусиятлари тўғрисидаги маълумотлар оз учрайди. Айни вақтда, мазкур соҳада дунёнинг бир нечта илмий марказларида тадқиқотлар амалга оширилмоқда, хусусан: X.Sun, C. Wang, P.Д. Андреевна, Э.П. Агеев, Y. Li, W. Wang, P. X. Мударисова, K. Inoue, Lang Ding, M. Farhadiana, D. Ducheza, C.Vachelarda, C. Larroche, M. Manzoor, K. Chaudhuri, R. Ikram, S.Kannamba, B. Guibal, E. Ershov, G. Bergeret лар томонидан хитозан полисахаридининг сорбцияланиш механизмини, оғир металл ионлари билан сорбцияланишининг физикавий ва кимёвий хоссаларини бир қатор усулларда ўрганилган.

Республикамизда академик С.Ш.Рашидова раҳбарлигида илмий мактаб яратилган бўлиб, унинг вакиллари Н. Вохидова, А.Саримсоқов ва бошқалар томонидан хитозанни маҳаллий хомашёлардан олиш, уларнинг молекуляр массавий тавсифи, тузилиш структураси, модификацияланиши ва халқ хўжалигини турли соҳалари эҳтиёжларига йўналтириш бўйича тадқиқот ишларини олиб борилмоқда. К.ф.д., проф. Х.И. Акбаров илмий мактаби вакиллари томонидан, хитозан асосида олинган композицион материалларнинг сорбцион хусусиятларини юқори вакуумли адсорбцион-калориметрик қурилма ёрдамида ўрганилган.

Шу билан бирга, тут ипак қурти ғумбаги “*Bombyx mori*” дан ажратиб олинган хитозан ва Na-КМЦ асосида ҳосил қилинган интерполимер комплексларнинг мембранавий хоссаларини таҳлил қилиш ва кутбли, кутбсиз молекулалар, металл ионлари билан сорбцион жараёнларининг механизмлари ва термодинамик хусусиятлари чуқур ўрганиш бўйича муаммолар мавжуд.

Диссертация тадқиқоти бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режаси билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Наманган давлат университетининг илмий-тадқиқот ишлар режасига мувофиқ №Ф-7-19 “Маҳаллий хом-ашё манбаларидаги полисахаридлар поликомплексларининг молекуляр массавий ва конформацион тавсифлари ҳамда уларнинг таркиби, тузилиши ва

хоссаларига таъсири” (2012-2016 й.) фундаментал илмий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ интерполимер комплекси плёнка-мембраналарини олиш ва уни турли металл ионлари ҳамда ароматик бирикмаларни сорбциясининг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

маҳаллий хом ашёлардан хитозан полисахаридини ажратиб олиш ва хитозанни Na-карбоксиметилцеллюлоза билан интерполимер комплекслари (ИПК) ни ҳосил қилиш.

ҳосил қилинган интерполимер комплекслар асосида хитозан/Na-КМЦ плёнка-мембраналарини олиш;

хитозан ва хитозан/Na-КМЦ плёнка-мембраналарига металл ионлари ва ароматик бирикмаларнинг сорбцияланиш хусусиятларини ўрганиш;

бензол ва толуол молекулаларининг хитозан ва хитозан/Na-КМЦ плёнка-мембраналарига сорбцияланиш механизми ва сорбция жараёнига таъсир этадиган омилларни аниқлаш;

олинган плёнка-мембраналарини саноат объектларида синовдан ўтказиш ва амалиётда қўлланилиши бўйича хулоса олиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида маҳаллий тут ипак қурти ғумбаги “*Bombyx mori*” дан ажратиб олинган хитозан, Na-карбоксиметилцеллюлоза ва улар асосидаги плёнка-мембраналар олинган.

Тадқиқотнинг предмети хитозан ва хитозан-КМЦ плёнка-мембраналарининг олиш усуллари, уларнинг сорбция хоссалари ва адсорбат билан таъсирлашув параметрларини аниқлаш ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари Диссертация ишини бажаришда плёнка-мембраналарни физик-кимёвий хусусиятларини аниқлаш учун амалий-экспериментал усуллардан сканерли электрон микроскопия (Agilent 5500), атом абсорбцион спектрофотометр (Aanalyst 200), ИҚ-спектрофотометрия (Shimadzu IRTracer 100), ва адсорбцион-калориметрия усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор хитозан ва хитозан/Na-КМЦ турли нисбатдаги интерполимер комплекси (ИПК) плёнка-мембраналарига юқори вакуумли калориметрик усул ёрдамида ароматик бирикмаларнинг сорбцияланишининг сифат ва миқдори аниқланган;

хитозан ва хитозан/Na-КМЦнинг турли нисбатдаги ИПК плёнка-мембраналарига атом абсорбцион усулда Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+} ионларини сорбцияланиши аниқланган;

плёнка-мембараналардан хитозан/Na-КМЦ ИПКнинг (9:1) нисбатдаги сихитозан, хитозан/Na-КМЦ (1:9) ва (1:1) намуналарига нисбатан Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+} ионларини 1,25 баробар, бензол ва толуол молекулаларини эса 1,6 баробар кўп адсорбциялаши аниқланган.

хитозан, хитозан/Na-КМЦ турли нисбатдаги ИПК плёнка-мембраналарига бензол ва толуол буғлари адсорбциясининг миқдори, термокинетик қонуниятлари ва адсорбцион параметрлари аниқланган;

хитозан, хитозан/Na-КМЦнинг турли нисбатдаги ИПК плёнка-мембраналарига металл ионининг сорбцияси, эритманинг рН муҳити, металл ионининг табиатига боғлиқлиги аниқланган;

хитозан, хитозан/Na-КМЦ турли нисбатдаги ИПК плёнка-мембраналарининг сорбцион хусусияти ароматик бирикмаларнинг тузилишига боғлиқлиги билан ўзгариши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

хитозан ва хитозан/Na-КМЦнинг ИПК юқори вакуумли (ЮВ) адсорбцион қурилма ва атом адсорбцион спектрофотометрлар ёрдамида металл ионлари ва ароматик бирикмаларнинг сорбцияланиш механизмини аниқлаш усули ишлаб чиқилган;

махаллий полисахаридлар асосида плёнка-мембрана тузилишидаги адсорбентларни нефтни қайта ишлаш заводининг чиқинди сувлари таркибидан органик моддалар ва металл ионларини ажратиб олиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлиги. Илмий хулосалар прецизион адсорбцион-калориметрия, ИҚ-спектроскопия, электрон микроскопия (СЭМ) каби физик-кимёвий тадқиқотнинг замонавий усуллари қўллаш орқали олинган таҳлил натижалари ҳамда тажриба синовлари билан асосланган. Олинган натижалар республика ва халқаро илмий анжуманлардаги муҳокамада тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти республикамизда кўплаб заҳираларга эга бўлган хитозан ва Na-КМЦ полисахаридларидан оғир металл ионлари ва органик моддаларни самарали ютиш хусусиятига эга бўлган селектив плёнка-мембраналар олиш учун асос яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти маҳаллий полисахаридлар асосида бензол ва толуолнинг сорбциялаш хусусиятига эга сорбентлар яратишга, шунингдек коллоид кимё, физикавий ва нанокимё курсларида ўқув материаллари сифатида ҳамда интерполимер плёнка-мембраналари сорбцион жараёнларини ўрганиш бўйича олиб бориладиган илмий тадқиқот ишларида фойдаланиш учун хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ (турли нисбатларда) идан ҳосил қилинган плёнка-мембраналарининг сорбцион хоссаларини аниқлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

хитозан ва хитозан/Na-КМЦ (турли нисбатлар) ида ҳосил қилинган плёнка-мембраналари “Чиноз НКИЗ” МЧЖдан чиқадиган чиқинди сувлар таркибидаги бензол, толуол ва турли хил ароматик углеводородлар гомологларидан тозалашга жорий (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 6

октябрдаги 28-1-01/769 сонли маълумотномаси) этилган. Натижада, чиқинди сувларни ароматик бирикмалар, уларнинг гомологлари ва бошқа моддалардан тозалаш даражасини 1-1,5 баробарга ошириш имконини берган;

хитозан ва хитозан/Na-КМЦ (турли нисбатлар) идан ҳосил қилинган плёнка-мембраналари “Чиноз НКИЗ” МЧЖдан чиқадиган чиқинди сувлар таркибидаги оғир металл (Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+}) ионларидан тозалашга жорий этилган (“Ўзбекнефтгаз” АЖ нинг 2021 йил 6 октябрдаги 28-1-01/769 сонли маълумотномаси). Натижада, “Чиноз НКИЗ” МЧЖдан чиқадиган чиқинди сувлар таркибидаги металл ионларидан тозалаш ва қайта ишланган сувнинг тозалик даражаси ГН2.1.5.689-98 меъёрига мослигини аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 3 та халқаро ва 7 та Республика илмий амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 15 та илмий иш чоп этилган. Шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан 4 таси Республика, 1 таси МДХда ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация таркиби кириш, тўрт боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 113 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурийлиги, мақсад ва вазифалари, шунингдек, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот усуллари, объекти ва предмети, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларни ривожлантириш йўналишига мувофиқлиги, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асосланган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш рўйхати келтирилган, чоп этилган ишлар ва диссертациянинг ҳажми, тузилиши бўйича маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ плёнка мембраналарининг олиниши ва коллоид хоссалари”** деб номланган биринчи бобида, полисахаридлардан плёнкалар ҳосил қилиш усуллари, компонентларнинг табиати ва плёнкаларнинг ҳосил бўлиш шароитлари дунё олимлари томонидан турли хил усуллар билан аниқланганлиги бўйича таҳлилий маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва усуллари. Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ интерполимер комплексини олиш ва физик-кимёвий таҳлили”** деб номланган иккинчи бобида, хитозан/Na-КМЦ полисахаридлари ва плёнкаларнинг олиниш усуллари, ИҚ-спектороскопия,

сканерли электрон микроскоп (СЭМ) усуллари бўйича маълумотлар келтириган.

Хитозан/Na-КМЦ плёнкасини олиш. Хитозан ва Na-КМЦ полисахаридларидлари ўзининг ажойиб плёнка ҳосил қилиши билан аҳамиятли ҳисобланади. Плёнкаларни физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш учун ушбу полисахаридлардан турли нисбатларда интерполимер композицион плёнкалар олинди.

Таъсирлашаётган компонентларнинг нисбатлар ва системаларнинг рН муҳити 1-жадвалда келтирилган. Плёнка ҳосил қилиш учун хитозан ва Na-КМЦнинг рН=4,5 бўлган (0,4М CH_3COOH /0,4 М CH_3COONa /0,2 М NaCl) ацетатли буфер ёрдамида эритилади. Плёнкалар ҳосил қилишда хитозан эритмасининг юзаси 10Х6 см ли шиша паластинка устига қуйилиб, устига Na-КМЦ эритмасини оҳиста қатлам сифатида юбориш орқали, ўзаро таъсирлаштириб, хона хароратида эритувчилари 24 соат давомида бўғлатилиб олинган.


1-жадвал

Хитозан/Na-КМЦнинг ўзаро таъсирлашиш учун қўлланилган миқдорий нисбатлари ва реакция муҳитининг рН кўрсаткичи.

Тажриба	Хитозан		Na-КМЦ		
	Намуна, молекуляр масса,	Концентрация (%)	Намуна, молекуляр масса	Концентрация (%)	рН
1	ХТ-М=100000	10	Na-КМЦ, М=120000	90	4,5
2	ХТ-М=100000	90	Na-КМЦ, М=120000	10	4,5
3	ХТ-М=100000	50	Na-КМЦ, М=120000	50	4,5

Хитозан, Na-КМЦ полисахаридларининг ИҚ спектроскопик таҳлили.

Ажратиб олинган хитозан Na-КМЦ билан ўзаро ҳосил қилган композицияларни идентификация қилиш мақсадида, ИҚ спектроскопик таҳлил амалга оширилди. Хитозан плёнкаларини ИҚ спектрида максимал 4000 см^{-1} диапазонда кўрилди ва қуйидаги характерли тебранишларга эга эканлиги аниқланди.



1-расм а) хитозан б) Na-КМЦ в) Хитозан/Na-КМЦнинг ИҚ спектрлари

Таркибидаги CH -, CH_2 (2939 см^{-1}), $-\text{OH}$ (3273 см^{-1}), $\text{C}=\text{O}$ ва NH гуруҳларнинг тебраниши туфайли амид-(I) (1635 см^{-1}) ва амид-(II) (1600 см^{-1}) тебранишлари билан боғлиқ бир нечта соҳалар билан тавсифланди.



Na-КМЦ нинг таркибидаги Н-боғлари ҳисобига ҳосил бўлган $-\text{OH}$ гуруҳлари 3346 см^{-1} , CH -, CH_2 -гуруҳлари 2885 см^{-1} , $\text{O}=\text{C}-\text{ONa}$ таркибидаги $\text{C}=\text{O}$ гуруҳлари 1593 см^{-1} , $\text{C}-\text{O}-\text{C}$ гуруҳларининг деформацияли тебранишини 1047 см^{-1} да кўриш мумкин.

ИПК спектрлари хитозан ва Na-КМЦ билан боғланган диапазонларни бирлаштиради. Асосий ўзгаришлар NH_2 -гуруҳлари ва метилкарбоксил гуруҳларнинг ютилиш спектрлари ҳудудида содир бўлди, бу ИПК шаклланиши пайтида уларнинг электростатик ўзаро таъсирини кўрсатади ва 1683 см^{-1} соҳадаги тебранишлар ИПК ҳосил бўлганлигидан далолат беради.

Хитозан/Na-КМЦ интерполимер комплексларининг электрон микроскопик тахлили. Ҳосил қилинган ИПК ни сорбцион хусусиятлари ўрганилишини инобатга олиб, намуналарнинг юзаси микроскопик усулда ўрганилди. Тадқиқот ишлари Agilent 5500 сканерли электрон микроскопда олиб борилган. СЭМ натижалари шуни кўрсатдики, 1% ли хитозан ва Na-КМЦ эритмаларидан ҳосил бўлган плёнкаларнинг барча намуналари учун ҳар хил даражада гетерогенликдаги сирт тузилиши кузатилди. Плёнка ҳосил қилиш учун эритмаларнинг концентрациясининг пасайиши (0,5%) натижасида олинган плёнкаларнинг гетерогенлик даражаси ҳам камайишини кузатиш мумкин (2-расм).

Масалан, хитозан/Na-КМЦ (9:1) нисбатда ҳосил қилинган интерполимер комплекс плёнканинг таркибида бир хил тақсимланган заррача ўлчамлари 200 нм га тенг.

Ўтказилган сканерли электрон микроскопик тадқиқотларда полимерларнинг концентрацияси олинган плёнкаларнинг табиатига таъсири тўғрисида хулоса чиқариш имконини берди.




2-Расм а) Хитозан б) Хитозан/Na-КМЦ ИПК плёнкаларининг электрон микроскопик тасвири

Тасвирдаги юза гетерогенлиги концентрация ортиши билан макромолекулаларнинг ассоциацияланиши билан боғлиқ бўлади.

Диссертациянинг “Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ полисахаридларига металл ионларини сорбцияланиш хусусиятлари” деб номланган учинчи

бобида хитозан ва хитозан/Na-КМЦ плёнка намуналарига Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионлари сорбциясини аниқлаш учун атом абсорбцион спектрофотометр (Aanalyst200) курилмасида олинган натижалар келтирилган.

Буфер эритманинг табиати орқали хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9) ва (1:1) нисбатларида ҳосил қилинган интерполимер плёнка-мембраналарга Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионларининг абсорбцияланиши ўрганилди ва тажрибада олинган натижалар асосида ютилган металл ионларининг сорбцияланиш миқдорлари ҳисобланди. Ион ҳолатидаги металллар плёнка-мембранали сорбентларнинг таркибидаги функционал ($-\text{NH}_2$ ва $-\text{OH}$) гуруҳлари билан таъсирлашади. 3-а), б) с), д)-расмларда аммоний-ацетатли буфер эритмада Cu^{2+} ва Ag^+ ларининг рН қийматлари 6,5–7,5 оралиғида максимал даражада сорбцияланганлигини кўриш мумкин. Ушбу буфер эритмада Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионининг сорбция миқдори кам бўлади. Буфер эритманинг рН=6 га тенг бўлганда, хитозан/Na-КМЦ (1:9) плёнка-мембранага Ag^+ нинг сорбция миқдори 0,204 ммоль/гни, яъни максимал ютилиш қийматини ҳосил қилади (3-(б)-расм).




3-расм. Аммоний ацетатли буфер эритмада а) хитозан, б) хитозан/Na-КМЦ (9:1), с) хитозан/Na-КМЦ (1:9) д) хитозан/Na-КМЦ (1:1) ИПК плёнка-мембранасига металл ионларини сорбцияланишига рН муҳитнинг таъсири

Буфер эритманинг рН=7 га тенг бўлганда, хитозан плёнка-мембранасига 0,17 ммоль/г Ag^+ , хитозан/Na-КМЦ (9:1) га 0.195 ммоль/г Ag^+ , хитозан/Na-КМЦ (1:9), 0,1792 ммоль/г Ag^+ сорбцияланади. (3 (с)-расм). Ушбу буфер эритма хитозан/Na-КМЦ (9:1) га Ag^+ ва Cu^{2+} ни аниқлаш учун қулай муҳит ҳисобланади. Шунингдек, рН=4-8 диапазон оралиғларида хитозан/Na-КМЦ (9:1) плёнка-мембараналарга Cu^{2+} ионларини сорбцияланиши сезиларли даражага етади.

Хитозан/Na-КМЦ (1:1) Ag^+ буфер эритманинг муҳити $pH=7$ бўлганда, максимал ютилиш қиймати 0,196 ммоль/г бўлиб, бу энг юқори қиймат ҳисобланди (3 (д)-расм). Аммоний-ацететли буфер эритмада тенг (1:1) нисбатларда ҳосил қилинган плёнка-мембраналарга Ag^+ ва Cu^{2+} ионларини юттирилган миқдорларини аниқлаш имконияти юқори бўлади. Энг юқори абсорбция қийматлари $pH=5-7$ дипазон оралиғида бориб, бунда максимал Cu^{2+} ни сорбцияси миқдори 0,11 ммоль/гни ташкил қилади. Хитозан/Na-КМЦ (1:1) га юттирилган Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионларига сорбция миқдорини аниқлашда аммоний-ацететли буфер эритма сезгирлик даражаси анча паст ҳисобланади. Pb^{2+} учун энг юқори сезгирлик даражаси $pH=7$ да эришилади ва максимал сорбция миқдори 0.035 ммоль/гни ташкил қилади. Zn^{2+} учун эса 0.029 ммоль/г бўлади.

Аммиакли (4-а), б), с), д)-расм) ва аммоний ацетатли (3-а), б), с), д)-расм) буфер эритмаларида олинган металл ионларининг сорбциясининг pH га боғлиқлиги бир-биридан фарқ қилади. Ҳусусан, аммиакли буфер эритмада аммоний-ацетат буфер эритмасига қараганда Cu^{2+} ва Ag^+ ионларини кўп ютилишини тажриба натижаларидан кўриш мумкин.



4-расм. Аммиакли буфер эритмада а) хитозан, б) хитозан/Na-КМЦ (9:1), с) хитозан/Na-КМЦ (1:9) д) хитозан/Na-КМЦ (1:1) ИПК плёнка-мембранасига металл ионларини сорбцияланишига pH муҳитнинг таъсири


Хитозан/Na-КМЦ (9:1) плёнка-мембранаси аммиакли буфер эритмада ҳам Ag^+ ва Cu^{2+} ионларини аниқлаш даражаси юқори, Zn^{2+} ва Pb^{2+} ни миқдорини аниқлаш қийматлари эса кичик бўлишини сорбция графигидан ҳам кўриш мумкин (4 (с)-расм). Ag^+ ва Cu^{2+} лари ушбу буфер эритманинг

pH=4,5-7 бўлган оралиқларида сорбция қийматлари юқори бўлиши аниқланди.

Аммиакли буфер эритмада хитозан/Na-КМЦ (1:1) интерполимер плёнка-мембранасига Ag^+ ва Cu^{2+} ни аниқлаш даражаси анча юқори бўлиб, Zn^{2+} ва Pb^{2+} ни миқдорини аниқлаш қийматларини кичик бўлишини олинган тажриба натижаларида кўриш мумкин (4 (д)-расм). Ушбу буфер эритмада Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионлари Ag^+ ва Cu^{2+} га нисбатан барқарорлиги паст бўлади. Шу сабабли хитозан/Na-КМЦ (1:1) плёнка-мембраналарига Zn^{2+} ва Pb^{2+} нинг максимал сорбция миқдори жуда кам бўлади. Pb^{2+} учун максимал сорбция миқдори 0,048 ммоль/г, Zn^{2+} учун эса 0,026 ммоль/гни ташкил этади ва бу қийматга pH=7,5 да эришилади.

(5-а), б), с), д)-расмда ҳосил қилинган плёнка-мембраналарга Cu^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+} ионларини сорбциясини аниқлашда ацетатли буфер эритманинг pH ини ўзгартириш орқали олинган натижалар келтирилган. Ушбу буфер эритмага Ag^+ киритилмаган. Чунки, ушбу шароитда бу катион эритмада беқарор ҳисобланади.

Ушбу буфер системада хитозан плёнка-мембранасига pH жуда кичик диапазон (6,0-6,5) да Zn^{2+} ва Cu^{2+} ионларини сорбцияланиш унуми юқори бўлади. Бунинг асосий сабаби, ушбу металл ионларининг ацетатли буфер эритмада барқарор ҳисобланади.




5-расм. Ацетатли буфер эритмада а) хитозан, б) хитозан/Na-КМЦ (9:1), с) хитозан/Na-КМЦ (1:9) д) хитозан/Na-КМЦ (1:1) ИПК плёнка-мембранасига металл ионларини сорбцияланишига pH муҳитнинг таъсири

5 (с)-расмда хитозан/Na-КМЦ (1:9) га юттирилган металл Cu^{2+} , Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионларини аниқлаш натижалари келтирилган. Zn^{2+} ионлари ушбу буфер эритма учун энг барқарор ҳисобланади ва рН қиймати 5-6 диапазон оралиғида максимал сорбция миқдорига 0,20 ммоль/г етади. рН нинг қиймати 5 дан кичик бўлганда Zn^{2+} ионини аниқлаш даражаси анча кам бўлади.

5 (д)-расмда хитозан/Na-КМЦ (1:1) га юттирилган Cu^{2+} , Zn^{2+} ва Pb^{2+} ионларининг қийматлари келтирилган. Zn^{2+} ионлари ушбу буфер эритманинг рН қиймати 5-6 диапазон оралиғида бўлганда максимал 0,21 ммоль/г ни ташкил этади. Металл ионларининг максимал сорбцияси рН=4-6 диапазон оралиғида боради. Ушбу буфер эритмада мис иони 0,11 ммоль/г, қўрғошин эса 0,049 ммоль/гни максимал сорбция қийматларини ташкил қилади.

Диссертациянинг “Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ интерполимер комплексига органик моддаларнинг сорбцияланиш хусусияти” деб номланган тўртинчи бобида хитозан ва хитозан/Na-КМЦ ИПКларига бензол ва толуол адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари, изотермалари, энтропия қийматлари ва иссиқлик мувозанат вақт (термокинетика) лари бўйича батафсил маълумотлар берилган.

6 ((а) 1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) ИПКга бензол молекулалари адсорбция дифференциал иссиқлиги келтирилган.



6-расм. 1-хитозан, 2-хитозан/Na-КМЦ (9:1), 3- хитозан/Na-КМЦ (1:9), 4-хитозан/Na-КМЦ (1:1).а) Бензол адсорбцияси дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрих чизиқ–бензолни конденсация иссиқлиги; б) Бензол адсорбцияси изотермаси


Адсорбция дифференциал иссиқлари тўғри чизиқли эгрисимон кўринишда поғонали камайиб боради. Графикдан кўриниб турибдики, дастлабки бензол молекуласини адсорбцияси дифференциал иссиқлиги юқори бўлади. Хитозан плёнка-мембранага дастлабки бензол молекулалари адсорбция дифференциал иссиқликлари 44,70 кЖ/моль, (9:1) да 49,60 кЖ/моль, (1:9) да 41,95 кЖ/моль ва (1:1) да эса 44,59 кЖ/мольни ташкил қилади. Хитозан плёнка-мембранага бензол молекуласи адсорбция дифференциал иссиқлиги қиймати доимийлиги 0,46 ммоль/ггача бўлади ва бу иссиқлик ~40,40 кД/мольга тенг. Хитозан ва Na-КМЦ нинг турли хил

нисбатларда ҳосил қилган интерполимер комплексларига бензол молекуласининг адсорбция иссиқликлари поғонали кўринишда пасайиб боради. Хитозан плёнкаси таркибида бир турдаги функционал гуруҳлар мавжудлиги ҳисобига бензол адсорбцияси иссиқлиги доимийлиги сақланади.

Хитозан плёнка-мембранасига 0,5 ммоль/г, (9:1) нисабатдаги плёнка мембранага 0,8 ммоль/г, (1:9) нисабатдаги плёнка мембранага 0,6 ммоль/г ва (1:1) нисабатдаги плёнка мембранага 0,7 ммоль/г бензол молекулалари сорбцияланади.

6 ((б) 1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) га бензол молекулалари адсорбция изотерма графиклари келтирилган. Дастлабки, бензол молекулалари адсорбция изотермасининг логарифмик қийматлари хитозан плёнка-мембранада $\ln(p/p_0)=-7.08$, (9:1) да -7.79 , (1:9) да -7.38 ва (1:1) да эса -6.91 ни ташкил этади. Юқори вакуумли адсорбцион қурилма ёрдамида бензол адсорбциясини тўйиниш босимиغاча ўрганишимиз мумкин. Бензолнинг 30°C тўйиниш буғ босими $119,35$ мм.см.уст.га тенг бўлади.

7 ((а) 1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) ИПК га бензол молекулалари адсорбциясининг энтропия графиклари келтирилган.



7-расм. 1-хитозан, 2-хитозан/Na-КМЦ (9:1), 3-хитозан/Na-КМЦ (1:9), 4- хитозан/Na-КМЦ (1:1). а) Бензол молекуласи адсорбция энтропияси: горизонтал штрих чизик – ўртача моляр интеграл энтропия; б) Бензол молекуласи адсорбция термокинетикаси

Гиббс-Гельмголдц тенгламаси бўйича хитозан плёнка-мембранасига бензол адсорбциясининг дифференциал моляр энтропияси (ΔS_d) (суюқ бензолни энтропияси нолга тенг деб қабул қилинди) ҳисобланди.

$$\Delta S_d = \frac{\Delta H - \Delta G}{T} = \frac{-(Q_d - \lambda) + A}{T}$$


Бу ерда, λ -иссиқлик конденсацияси, ΔH и ΔG -энтальпия ва эркин энергия ўзгариши, T - ҳарорат.

Дастлабки, бензол молекулалари адсорбциясида барча намуналар учун адсорбциянинг энтропия қийматлари юқори бўлади. Бу ҳолатда хитозан ва хитозан/Na-КМЦ ларнинг юзасида бензол молекулалари ҳаракатчан ҳолатда

бўлиши кузатилади. Кейинги адсорбциянинг манфий қийматларда бўлиши бензол молекулаларининг хитозан ва хитозан ИПКларининг ички қисмларига кириб бориши билан тушунтирилади. Бу ҳолатда бензол молекулалари кўзгалмаган ҳолатга ўтади. Хитозан/Na-КМЦ (9:1) намунасига бензол молекулалари кучли адсорбцияланади. Бу намунада бензол адсорбцияси ўртача интеграл энтропияси -19.98 Ж/моль·Кни ташкил қилади.

7 ((б) 1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) ИПК га бензол молекулаларини адсорбция иссиқлик мувозанат вақти келтирилган. Барча намуналарда дастлабки мувозанат вақти ~ 2 соатни ташкил қилади. Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ (9:1) намуналарида бензол адсорбцияси мувозанат вақти сорбцион марказларнинг сони кўплиги сабабли бошқа намуналарга нисбатан юқори бўлади. Жараён охирлашганда иссиқлик мувозанат вақти бир неча дақиқани ташкил қилади.

8 ((а) 1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) ИПК га толуол молекулалари адсорбция дифференциал иссиқлиги келтирилган. Адсорбция дифференциал иссиқлиги тўғри чизиқли тўлқинсимон кўринишда пасайиб боради.



8-расм. 1-хитозан, 2-хитозан/Na-КМЦ (9:1), 3-хитозан/Na-КМЦ (1:9), 4-хитозан/Na-КМЦ (1:1). а) Толуол молекуласи адсорбция дифференциал иссиқликлари: горизонтал штрих чизиқ-бензолни конденсация иссиқлиги; б) Толуол молекуласи адсорбцияси изотермаси.


Хитозан плёнка-мембранаси учун дастлаб толуол адсорбциясининг дифференциал иссиқликлари $41,46$ кЖ/моль, (9:1) да $41,21$ кЖ/моль, (1:9) да $39,81$ кЖ/моль ва (1:1) да эса $39,76$ кЖ/мольни ташкил қилади. Толуол молекуласи таркибида метил гуруҳи мавжудлиги сабабли, хитозан плёнкасига адсорбцияланишида бензол каби доимий иссиқлик қийматини сақлаб қолмайди. Хитозан плёнкасига $0,3$ ммоль/г, (9:1) га $0,5$ ммоль/г, (1:9) га $0,37$ ммоль/г ва (1:1) га $0,4$ ммоль/г толуол молекулалари сорбцияланади.

8 ((б)1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) га толуол молекулалари адсорбция изотерма графиклари келтирилган. Дастлабки, толуол молекулалари адсорбция изотермаси логарифмик қийматилари хитозан плёнка-мембрана учун $\ln(p/p_0)=-6.33$, (9:1) да -6.63 ,

(1:9) да -5.68 ва (1:1) да -5.89 ни ташкил этади. Толуолнинг 30°C да тўйиниш буг босими $36,7$ мм.см.уст.га тенг. Шу сабабли толуол адсорбцияси изотермасини охиригача ўрганишимиз имконини беради.

9-((a)1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) ИПК га бензол молекулалари адсорбция энтропиясининг графиклари келтирилган. Адсорбция энтропияси қийматлари Гиббс-Гельмгольц тенгламаси ёрдамида ҳисоблаб топилади.

Дастлаб, толуол молекулалари адсорбциясида барча намуналар учун адсорбциянинг энтропияси қийматлари $25-33$ Ж/моль·К оралиқларида бўлади. Адсорбция миқдори $0,06-0,08$ ммоль/г дан кейин энтропия қийматлари манфий кўрсаткичларни ҳосил қилади. Адсорбция энтропиясининг манфий кўрсаткичларда бўлиши, хитозан ва хитозан/Na-КМЦ ИПК ларининг ички қисмларига толуол молекулалари қисман водород боғлар ва Ван-дер-Ваальс кучлари ҳисобига сорбцияланиши билан изоҳлаш мумкин. Ушбу жараён хитозан ва хитозан/Na-КМЦ нинг турли нисбатларидаги ИПК ларига толуол молекулалари мустаҳкам сорбцияланишидан далолат беради. Хитозан/Na-КМЦ (9:1) намунасига толуол молекулалари кучли адсорбцияланади. Бу намунада толуол адсорбцияси ўртача интеграл энтропияси -5.47 Ж/моль·Кни ташкил қилади.



9-расм. 1-хитозан, 2-хитозан/NaКМЦ (9:1), 3-хитозан/NaКМЦ (1:9), 4- хитозан/NaКМЦ (1:1) а) Толуол молекуласи адсорбция энтропияси: горизонтал штрих чизик – ўртача моляр интеграл энтропия; б) Толуол молекуласи адсорбция термокинетикаси

9((б)1,2,3,4)-расмда хитозан, хитозан/Na-КМЦ (9:1), (1:9), (1:1) га толуол молекулалари адсорбция иссиқлик мувозанат вақти графиклари келтирилган. Барча намуналарда дастлабки мувозанат вақти ~ 2 соатгача давом этади. Хитозан/Na-КМЦ (9:1) намунасида сорбцион марказларнинг сони кўплиги сабабли толуол адсорбцияси мувозанат вақти бошқа намуналарга нисбатан юқори бўлади. Бензол адсорбциясидаги каби жараён охирига тўйиниш буг босимига яқинлашганда адсорбция термокинетикаси бир неча дақиқагача камаяди.

ХУЛОСАЛАР

Диссертацияси ишини бажаришда олинган асосий илмий ва амалий натижалари қуйидагилар ҳисобланади:

1. Маҳаллий тут ипак қурти - *Bombyx mori* дан хитозан полисахаридини ажратиб олинди. Олинган хитозан ҳамда Na-КМЦ асосида турли нисбатлардаги (9:1), (1:9) ва (1:1) плёнка намуналари олинди. Хитозан ва Na-КМЦ нинг турли нисбатларда ҳосил қилган намуналарининг спектроскопик таҳлиллари асосида хитозан ва Na-КМЦ интерполимер комплекслари ҳосил бўлганлиги исботланди.

2 Хитозан ва Na-КМЦ интерполимер комплексига Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+} ионларини сорбцияланиши ўрганиш учун буфер эритмалар танлаб олинди. Олинган намуналар ва металл ионлари бўйича юқори сорбцион хоссани ифодалавчи мақбул таркибли буфер эритма топилди. Аниқландики, бунда мис ва кумуш ионларини аммоний ацетатли ва аммонийли, кўрғошин ионларини аниқлашда эса ацетатли буфер эритмалардан фойдаланиш нисбатан юқори самара беради. Оғир металлар сорбцияси учун юқори сорбцион ҳажмга эга намуна хитозан/Na-КМЦ (9:1) интерполимер плёнка мембранаси эканлиги кўрсатилди.

3. Юқори вакуумли адсорбцион усулда хитозан, хитозан/Na-КМЦ нинг (9:1, 1:9 ва 1:1) нисбатларидаги плёнка-мембраналарига бензол ва толуол молекулаларининг адсорбция дифференциал иссиқликлари, энтропиялари, изотермалари ва иссиқлик мувозанат вақтлари (термокинетика) аниқланди ва хусусиятлари изоҳланди.

4.Хитозан ва хитозан/Na-КМЦ плёнка мембараналарнинг уч хил нисбатлари (9:1, 1:9 ва 1:1) га мос равишда 0,5 ммоль/г, 0,8 ммоль/г, 0,6 ммоль/г ва 0,7 ммоль/г бензол молекулалари адсорбцияланиши аниқланди. Хитозан/Na-КМЦ плёнка-мембраналарининг 9:1 нисбатда ҳосил қилинган намунасида бензол молекулаларининг адсорбцион ҳажми нисбатан юқори бўлди.

5.Хитозан, хитозан/Na-КМЦ нинг (9:1, 1:9 ва 1:1) нисбатларида мос равишда 0,3 ммоль/г, 0,5 ммоль/г, 0,37 ммоль/г ва 0,4 ммоль/г толуол молекулалари адсорбцияланиши кузатилди. Толуол адсорбция қийматлари ҳам хитозан/Na-КМЦ 9:1 намунасида (1:9 ва 1:1) га нисбатан, толуолнинг адсорбцион ҳажми юқорилиги аниқланди.

6.Хитозан плёнка-мембранасига бензол молекулалари адсорбцияси вақтида дифференциал иссиқлик нисбатан доимий қийматларда бориши, хитозан/Na-КМЦ плёнка-мембраналарида эса поғонасимон кўринишда пасайиб боришининг хусусияти аниқланди. Адсорбция жараёнининг ушбу

эффекти ИПК нинг таркибдаги функционал гуруҳлар ва молекуланинг ўлчамига боғлиқлиги билан изоҳланди.

7. Хитозан, хитозан/Na-КМЦ ИПК нинг намуналари ўзининг физик-кимёвий ҳамда эксплуатацион кўрсаткичлари ва барқарорлиги бўйича унга қўйилган талабларга мос келади. Мазкур намуналар Чиноз НҚИЗ да чиқинди сувлар таркибидан бензол, толуол молекулаларини, оқава сувлар таркибидан Ag^+ , Cu^{2+} , Zn^{2+} , Pb^{2+} ионларини адсорбция қилиши аниқланди ва истиқболда амалиётга қўллаш бўйича ижобий тавсиялар олинди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD. 03/30.12.2019.К/Т.66.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАМАНГАНСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

НАМАНГАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ УНИВЕРСИТЕТ

АБДУЛЛАЕВ НОДИРХОН ЖУРАХОНОВИЧ

**СОРБЦИОННЫЕ СВОЙСТВА МЕМБРАН ИНТЕРПОЛИМЕРНЫХ
КОМПЛЕКСОВ НА ОСНОВЕ ПОЛИСАХАРИДОВМЕСТНОГО
ПРОИСХОЖДЕНИЯ**

02.00.11 - Коллоидная и мембранная химия

АВТОРЕФЕРАТ

**ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Наманган – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована под номером В2021.4.PhD/К191 в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан

Диссертационная работа выполнена в Наманганском государственном университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета в информационно-образовательном портале «Ziyonet» по адресу www.ziyonet.uz

Научный руководитель:	Кодирхонов Муродхон Рашитхонович кандидат химических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Боймирзаев Азамат Солиевич доктор химических наук, доцент
	Бахронов Хаётбек Нурович кандидат химических наук, доцент
Ведущая организация:	Национальный университет Узбекистана

Защита диссертационной работы состоится «17» март 2022 года в «14⁰⁰» часов на заседании цифрового Научного совета PhD.03/30.12.2019.К/Т.66.02 по присуждению научных степеней при Наманганском инженерно-технологическом институте (Адрес: 160115, г. Наманган, улица Косонсой, 7. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71, e-mail: niei_info@edu.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Наманганского инженерно-технологического института (зарегистрирован под № 452). (Адрес: 160115, г. Наманган, ул. Косонсой, 7. Тел.: (99869) 228-76-75; факс: (99869) 228-76-71.

Автореферат диссертации разослан «5» март 2022 года.

(реестр протокола рассылки № от «3» 5 март 2022 года).

Эргашев О.К.

Председатель Научного совета по присуждению
ученой степени, д.х.н., проф.

Шеркузиев Д.Ш.

Ученый секретарь Научного совета по присуждению
ученой степени, к.т.н., проф.

И.Д.Эшметов

Председатель Научного семинара при Научном совете
по присуждению ученой степени, д.т.н. проф.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике особое внимание уделяется привлечению инвестиций в сферу рационального и эффективного использования природных ресурсов. Вопрос рационального использования местных природных ресурсов играет важную роль в стратегическом развитии страны. В настоящее время, создание научной базы для определения природной альтернативы синтетическим и искусственным материалам, используемым сегодня в технике и медицине, является приоритетной задачей в решении вышеуказанной проблемы. Поэтому, проведение исследований по созданию сорбентов на основе природных полисахаридов с эффективными эксплуатационными свойствами взамен синтетических сорбентов имеет весьма важное значение.

Производимые в мире сорбенты на основе природных биополимеров, получают с использованием полисахаридов, например, хитозана и целлюлозы. За счет гетероатомов кислорода и азота, содержащихся в составе хитозана, такие сорбенты применяют для повышения эффективности сорбции и для изменения поверхности. Проводятся научные исследования с целью повышения сорбционных свойств этих полисахаридов, получения интерполимерных комплексов с другими полисахаридами, гранул на основе полученных ИПК, создание плёнок-мембран и волокон и применение их на практике.

В Узбекистане имеются некоторые научные и практические достижения по получению сорбентов на основе местных полисахаридов для использования в различных сферах. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан 2017-2021 годах определена задача «Модернизация и диверсификация промышленности развитием высокотехнологичных перерабатываемых отраслей и производства готовых продуктов с добавленной стоимостью, прежде всего на основе глубокой переработки местных ресурсов и сырья².

В связи с этим, расширения круга научных исследований по получению, усовершенствованию сорбционных свойств природных полисахаридов, имеющих в Узбекистане является целесообразным и практически необходимым.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит реализацию задач определенных в Постановлении Президента Республики Узбекистан РР-4805 от 21 августа 2020 года “О мерах по повышению качества непрерывного образования и результативности науки по направлениям химия и биология”, ПП-4265 от 3 апреля 2019 года “О мерах по дальнейшему реформированию и повышению инвестиционной

²Указ Президента Республики Узбекистан «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан в 2017-2021 годах»

привлекательности химической промышленности” и Указе Президента Республика Узбекистан УП-4947 от 7 февраля 2017 года “О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан”.

